

Impact Factor: 5.479

ISSN 2181-9505

Doi Journal 10.26739/2181-9505

# Philosophy and Life

FALSAFA VA HAYOT • ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ

Special  
Issue 1

2022



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI  
HUZURIDAGI IMOM BUXORIY XALQARO  
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
O'ZBEKISTON FALSAFA JAMIYATI

Международный научно-  
исследовательский центр  
Имам Бухари при Кабинете  
Министров Республики Узбекистан  
Философское общество Узбекистана

Imam Bukhari International  
Research Center under the  
Cabinet of Ministers of the  
Republic of Uzbekistan  
Philosophical Society of Uzbekistan

# FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

1 MAHCYCS CON

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL  
SPECIAL ISSUE 1

Jurnal bir yilda 4  
marta nashr qilinadi.



Журнал выходит  
4 раза в год.



The journal is published  
4 times in a year.



ISSN: 2181-9505  
DOI: 10.26739/2181-9505



# 2022

# FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

№SI-1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2022-SI-1>

## Tahrir kengashi:

**Abdildina, R.J.** — Qozog'iston FA akademigi, f.f.d., professor

**Askarov, T.A.** — Qirg'iziston FA akademigi, f.f.d., professor

**Bazarbayev, J.** — O'zbekiston FA akademigi, f.f.d., professor

**Bashimov, V.V.** — Turkmaniston milliy ta'lim instituti direktori

**Werner Bush** — dunyo professorlari uyushmasi exs prezidenti DSc, professor (Germaniya)

**Mamedzade, I.R.** — Azarbayjon FA Falsafa va sotsiologiya instituti direktori, f.f.d., professor

**Morevedge, P.** — AQSH dunyo olimlari departamenti raisi, DSc, professor

**Nisanbayev, A.N.** — Qozog'iston FA akademigi, f.f.d., professor

**Skarantino, L.M.** — Jahon falsafa jamiyatlari federatsiyasi prezidenti, DSc, professor, (Italiya)

**Smirnov, A.V.** — Rossiya FA akademigi, Rossiya FA "Falsafa" instituti direktori, Rossiya Falsafa Jamiyati prezidenti, f.f.d., professor (Rossiya)

**Tursunov, A.** — Tojikiston FA akademigi, f.f.d., professor (Tojikiston)

**Tsuy Veyxan** — Xitoy ijtimoiy fanlar Akademiyasi vitse-prezidenti, DSc, professor, (Xitoy)

**Chumakov, A.N.** — Rossiya FA Falsafa instituti professori, f.f.d., (Rossiya)

## Muassislar:

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Imom al Buxoriy xalqaro ilmiy - tadqiqot markazi

O'zbekiston falsafa jamiyati

OOO tadqiqot.uz

Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiyasi komissiyasi rayosatining qarori bilan maxsus jurnallar ro'yxatiga kiritildi. 2018-yil 29-dekabrda 260/7 sonli bayonnoma

**Ro'yxatga olinganligi haqidagi 1175 sonli guvohnoma O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 20.02.2018 yilda berilgan.**

## Bosh muharrir:

**Shermuhamedova, N.A.**, — f.f.d., professor (O'zbekiston)

## Bosh muharrir o'rinbosari:

**Muhamedova, Z.M.**, — f.f.d., professor (O'zbekiston)

## Mas'ul muharrir:

**Safayeva, S.X.**, — f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

## Tahrir hay'ati:

**Allahyarova, T.** — f.f.d., professor (Azarbayjon)

**Andirjanova, G.A.**, — s.f.d., professor (Qozog'iston)

**Abasov, A. S.** — f.f.d., professor (Azarbayjon)

**Ahamer, G.** — PhD, professor (Avstriya)

**B.K. Santosh Kukreja**, — DSc, professor (Hindiston)

**Bodio Todeush**, — s.f.d., professor (Polsha)

**Bilalov, M. I.**, — f.f.d., professor (Rossiya)

**Berna, A.**, — PhD, professor (Turkiya)

**Vefa Tashdelen**, — f.f.d., professor (Turkiya)

**Gabitov, T. X.** — f.f.d., professor (Qozog'iston)

**Guseynov, S.** — f.f.d., professor (Azarbayjon)

**Gezalov, A.A.**, — f.f.n., professor (Rossiya)

**Ivatova, L.M.**, — s.f.d., professor (Qozog'iston)

**Kurmangaliyeva, G.K.**, — f.f.d., professor (Qozog'iston)

**Lazarevich, A.A.**, — f.f.n., professor (Belorussiya)

**Muzaffarov, M.** — f.f.d., professor (Tojikiston)

**Morevedge, R.** — DSc, professor (AQSH)

**Naushanbayeva, A., Hakimogli**, — PhD filol., professor (Turkiya)

**Olatunji Felix. O.** — DSc., professor (Nigeriya)

**Paxruddinov, Sh. I.**, — s.f.d., professor (O'zbekiston)

**Sadikova, N.N.**, — f.f.d., professor (Tojikiston)

**Saifnazarov, I.S.**, — f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Sergeyev, M.Y.**, — PhD, professor (AQSH)

**Telebayev, G.T.**, — f.f.d. professor (Qozog'iston)

**To'rayev, B. O.**, — f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Urmanbetova, J.K.**, — f.f.d., professor (Qirg'iziston)

**Chjan Baychun**, — f.f.d., professor (Xitoy)

**Shadmonov, Q.B.**, — f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Fishier, A.** — f.f.d., professor (Fransiya)

**Yaxshilikov, J.** — f.f.d., professor (O'zbekiston)

**Yaskevich, Y.S.**, — f.f.d., professor (Belorusiya)

## Ilmiy kotib:

**Mahkamov, U.** (O'zbekiston)

## Musahhihlar:

**Xidirov, M.T.**, (O'zbekiston)

**Hamdamova, S.** (O'zbekiston)

**Madiyorova, V.** (O'zbekiston)

**Saurov, R.R.**, (O'zbekiston)

# ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

№SI-1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2022-SI-1>

## Редакционный совет:

**Абдильдина, Р. Ж.** - академик НАН Казахстана, д.ф.н., профессор

**Аскарров, Т. А.** - академик АН Киргизистана, д.ф.н., профессор

**Базарбаев, Ж.** - академик АН Узбекистана, д.ф.н., профессор

**Башимов, В. В.** - директор национального института образования Туркменистана

**Вернер Буш.** - экс президент всемирной ассоциации профессоров, доктор философских наук, профессор, (Германия)

**Мамедзаде, И. Р.** - д.ф.н., профессор, директор института “Философии и социологии” АН Азербайджана

**Мореведж, П.** - DSc. профессор, руководитель GSP США

**Нысанбаев, А.Н.** - академик АН Казахстана, д.ф.н., профессор

**Скарантино, Л. М.** - президент всемирной федерации философских обществ д.ф.н., профессор (Италия)

**Смирнов, А. В.** - академик АН России, директор института Философии АН России, президент РФО, д.ф.н., профессор (Россия)

**Турсунов, А.** - академик АН Таджикистана, д.ф.н., профессор

**Цуй Вэйхан** - Вице-президент Института философии КАОН, д.ф.н., профессор (Китай)

**Чумаков, А. Н.** - проф. РАН, д.ф.н., (Россия)

## Учредители:

Международный научно-исследовательский Центр Имама аль Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан  
Философское общество Узбекистана,  
ООО tadqiqot.uz

Решением Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан введен в список специальных журналов. 2018 год 29 декабря протокол №260/7

Регистрационное свидетельство №1175 выдано 27.02.2018 агенством по печати и информации Узбекистана

## Главный редактор:

**Шермухамедова, Н. А.** - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

## Заместитель редактора:

**Мухамедова, З. М.** - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

## Ответственный редактор:

**Сафаева, С. Х.** - к.ф.н., доцент (Узбекистан)

## Редакционная коллегия:

**Аллахьярова, Т.** - д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Андиржанова, Г. А.** - д.п.н., профессор (Казахстан)

**Абасов, А.** - д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Ахамер, Г.** - PhD, профессор (Австрия)

**В.К.Сантош Кукреджа.** - PhD, профессор (Индия)

**Бодио Тодеуш.** - д.п.н., профессор (Польша)

**Билалов, М. И.** - д.ф.н., профессор (Россия)

**Берна, А.** - PhD.- профессор (Турция)

**Вефа Ташделен** - д.ф.н., профессор (Турция)

**Габитов, Т. Х.** - д.ф.н., профессор (Казахстан)

**Гусейнов, С.** -д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Гезалов, А.А.** - к.ф.н., профессор (Россия)

**Иватова, Л. М.** - д.п.н., профессор, (Казахстан)

**Курмангалиева, Г. К.** - д.ф.н., профессор (Казахстан)

**Лазаревич, А А** - к.ф.н., профессор (Беларусия)

**Музаффаров, М.** - д.ф.н., профессор (Таджикистан)

**Мореведж, Р.** — DSc, профессор (США)

**Наушабаева, А., Хекимоглы** - PhD, профессор (Туркия)

**Олатунжи Феликс О.** — DSc, профессор (Нигерия)

**Пахруддинов, Ш.И.** - д.п.н., профессор (Узбекистан)

**Садикова, Н. Н.** - д.ф.н., профессор (Таджикистан)

**Саифназаров, И.С.** - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Сергеев, М. Ю.** - PhD, профессор (США)

**Телебаев, Г.Т.** - д.ф.н., профессор (Казахстан)

**Тураев, Б.О.** - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Урманбетова, Ж. К.** - д.ф.н., профессор (Киргизистан)

**Чжан Байчун** - д.ф.н., профессор (Китай)

**Шадманов, К.Б.** - д.ф.н. профессор (Узбекистан)

**Фишлер, А.** - д.ф.н., профессор (Франция)

**Яхшиликов, Ж.** - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Яскевич, Я.С.** - д.ф.н., профессор (Беларуссия)

## Ученый секретарь:

**Махкамов, У.** (Узбекистан)

## Корректоры:

**Хидиров, М.Т.** (Узбекистан)

**Хамдамова, С.** (Узбекистан)

**Мадиярова, В.** (Узбекистан)

**Сауров, Р.Р.** (Узбекистан)

# PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL

№SI-1 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2022-SI-1>

## Editorial Council:

**Abdildina, R.J.** - academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor  
**Askarov, T.A.** - academician AS of Kyrgyzstan, doctor of philos. sciences, professor;  
**Bazarbaev, J.** - academician AS of Uzbekistan, doctor of philos. sciences, professor  
**Bashimov B.B.** - director of national Institute of education of Turkmenistan  
**Werner Bush** - President of the World Association of Professors, DSc, professor (Germany)  
**Mamedzade, I.R.** - director of Institute "Philosophy and sociology" AS of Azerbaijan doctor of philosophical sciences, professor  
**Morewedge, P.** - Editor-in-Chief; IGDE, DSc, professor USA  
**Nysanbaev, A.N.** - academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor  
**Scarantino, L.M.** - President of International Federation of Philosophical societies, professor of philosophy and politics of culture, (Italy)  
**Smirnov, A.V.** - Academician of the Academy of Sciences of Russia, Director of the Institute of Philosophy of the Academy of Sciences of Russia, President RFS, doctor of philos. sciences, professor (Russia)  
**Tursunov, A.** - academician of the ASc of Tajikistan, doctor of philos. sciences, professor  
**Tsui Weihan** - vice-President of the Institute of Philosophy CAAS, doctor of philos. sciences, professor (China)  
**Chumakov, A.N.** - professor RAN doctor of philos. sciences (Russia)

## Founders:

Imam al Bukhari International Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan Philosophical Society of Uzbekistan OOO tadqiqot.uz

By the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan entered into the list of special journals. 2018 December 29 Protocol №260 / 7

**The registration certificate № 1175 was issued on February 27, 2018 by the Uzbek Agency for Press and Information**

## Editor-in-Chief

**Shermukhamedova, N.A.** - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

## Deputy Editor:

**Mukhamedova, Z.M.** - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

## Managing editor:

Safaeva, S.Kh. - Ph.D. philos., (Uzbekistan)

## Editorial team:

**Allahyarova, T.** - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

**Andirjanova, G.A.** - doctor of political sciences, professor (Kazakhstan)

**Abasob, A. S.** - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

**Ahamer G.** - PhD, professor (Austria)

**B.K. Santosh Kukredja,** - PhD., professor (India)

**Bodio Todeus.** - doctor of political sciences, professor (Poland)

**Bilalov, M.I.** - doctor of philos. sciences, professor (Russiya)

**Berna, A.** - PhD., professor (Turkey)

**Vefa Tashdelen.** - doctor of philos. sciences, professor (Turkey)

**Gabitoov, T.H.** - doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)

**Guseynov, S.** - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

**Gezalov, A.A.** - PhD. of philos., associate professor (Russia)

**Ivatova, L.M.** - doctor of political sciences., professor (Kazakhstan)

**Kurmangaliyeva, G.K.** - doctor of philos., professor (Kazakhstan)

**Lazarevich, A. A.** - PhD philos., professor (Belarus)

**Morewedge, R.** - doctor of philology, professor (USA)

**Muzaffarov, M.** - doctor of philos sciences, professor (Tajikistan)

**Naushanbaeva, A., Hakimogli.** - PhD. philos., professor (Turkey)

**Olatunji, Felix.O.** - DSc, professor (Nigeriya)

**Pakhrudinov, Sh.I.** - doctor of political sciences, professor (Uzbekistan)

**Sadikova, N.N.** - doctor of philos. sciences, professor (Tajikistan)

**Saifnazarov, I.S.** - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

**Sergeev, M.Yu.** — PhD, philos., professor (USA)

**Telebaev, G.T.** - doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)

**Turaev, B.O.** - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

**Urmanbetova, J.K.** - doctor of philos. sciences, professor (Kyrgyzstan)

**Zhang Baichun** - doctor of philos. sciences, professor (China)

**Shadmanov, Q.** - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

**Fischler, A.** - doctor of philos. sciences, professor (France)

**Yaxshllikov, J.** - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

**Yaskevich, Ya.S.** - doctor of philos. sciences, professor (Belarus)

**Scientific Secretary:**

**Mahkhamov, U.** (Uzbekistan)

## Correctors:

**Khidirov, M.T.** (Uzbekistan)


**Hamdamova, S.** (Uzbekistan)

**Madiyorova, V.** (Uzbekistan)

**Saurov, R.R.** (Uzbekistan)


<b>1. Абдуллаев Сардор Туйчиевич</b> ГЎЗАЛЛИККА ОИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ.....	8
<b>2. Абдумажидова Хамида</b> ВЛИЯНИЕ ИНТЕГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ НА АКТИВНОСТЬ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ.....	18
<b>3. Ашурова Хуршида Сағдуллаевна</b> МАХМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ.....	26
<b>4. Ahrorova Madina Rahmatovna</b> O‘ZBEK MUMTOZ SHOIRLARI IJODIDA GENDER TENGLIGI MASALASI.....	33
<b>5. Boltsev Farrukh Farhodovich</b> THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF THE PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE INTERACTION OF LANGUAGE, THOUGHT AND CULTURE IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION.....	40
<b>6. Бозоров Мустафо Жабборович</b> “МИГРАЦИЯ” ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ.....	49
<b>7. Каримов Соҳибназар Каримович</b> РУҲИЙ ПОКЛИК ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ ЁҲУД ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДА КОМИЛ ИНСОН МАСАЛАСИ.....	57
<b>8. Комилов Рўзи Рабиевич</b> ЎЗБЕК ХАЛҚИ НИКОҲ МАРОСИМЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ.....	65
<b>9. Мажитов Махмуд Абдимўмин ўғли</b> ИЖТИМОЙ МУҲИТ - ШАҲС ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИ ДЕТЕРМИНАНТИ СИФАТИДА.....	74
<b>10. Махмудова Азиза Нугмановна</b> ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ.....	81
<b>11. Меликова Мартаба Нумоновна</b> ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ.....	88
<b>12. Омонов Баходир Нуриллаевич</b> ЭКОЛОГИК ГЛОБАЛЛАШУВ КОНТЕКСТИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	95
<b>13. Usmonova Laylo Rahmatullaevna</b> THE EMOTIONAL IMPACT OF ORIENTAL MINIATURES AND ITS ROLE IN THE STUDY OF HUMAN AESTHETIC NEEDS.....	106
<b>14. Фозилова Азиза Иноятиллаевна</b> МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЖАҲОН ИЛМ –ФАН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ...	114
<b>15. Холиқов Юнус Ортиқович</b> ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ СИФАТИДА.....	120

<b>16. Ҳамдамов Ислом Акрамович</b> ИЛМ-ФАН ТАРҚАҚЎИТИДА МИРЗО УЛУҒБЕК ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА “ЗИЖИ ЖАДИДИ ГУРАГОНИЙ” АСАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	128
<b>17. Шерманов Исобек Чилмаматович</b> БИОТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ТАРАҚЎИТИДА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙЎУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ.....	135
<b>18. Шеров Мансур Болтаевич</b> ЎЗБЕКИСТОН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИДА КРЕАТИВ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	144
<b>19. Makhmudova Aziza Nugmanovna</b> LEGAL-REGULATORY SYSTEM IN CIVIL SOCIETY CONTROL OF THE PROCESS OF LEGAL SOCIALIZATION OF INDIVIDUALS.....	149
<b>20. Гонашвили Александр Сергеевич</b> СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОЕ ПОНИМАНИЕ ЦЕННОСТЕЙ РУБЕЖА XIX И XX ВЕКОВ: СОЦИАЛЬНО-ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ.....	155
<b>21. Хаджиметов Бехзод Бахадирович</b> ШАРҚ МИНИАТЮРА САНЪАТИДА ПОРТРЕТ ЖАНРИ.....	163
<b>22. Pulatov Jaxongir Nazirovich</b> ЖАМИАТ БАҲҚАРОР ТАРАҚҚИЙОТИНИ РИВОЛАНТИРИШДА FUQAROLIK ЖАМИАТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ О’РНИ.....	169
<b>23. Ашуоров Шодмон Шаропович</b> ҒАРБ ФАЙЛАСУФЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ЖАМИАТ БАҲҚАРОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ.....	177
<b>24. Ravshan Mardonov</b> ZAMONAVIY TA’LIM FALSAFASI VA FALSAFIY ANTROPOLOGIYA: TUTASH MUAMMOLAR VA O’ZARO TA’SIR USULLARI.....	184
<b>25. Эргашева Махбуба Хотамбековна</b> ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР КИРИБ КЕЛИШИДАГИ ХАОТИК ЖАРАЁНЛАР ҲАМДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АТТРАКТОР ОМИЛИ.....	192
<b>26. Эргашева Махбуба Хотамбековна</b> ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ СИНЕРГЕТИК ТИЗИМ СИФАТИДА.....	201
<b>27. Саидов Ихтиёр Мизрабович</b> ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ.....	210
<b>28. Хасанов Миршод Нўмонович</b> ФОРОБИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	216
<b>29. Elmuradova Surayyo</b> TA’LIM JARAYONINI TASHKIL ETISHNING SHAXSIY EKZISTYENSIAL YONDASHUVINI IJTIMOIIY-FALSAFIY Tahlili.....	227
<b>30. Саидова Камола Усканбаевна</b> ЛЮБОВЬ И НЕНАВИСТЬ КАК ДВЕ КРАЙНОСТИ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ.....	232



Абдумажидова Хамида  
Узбекистан, Самарканд

## ВЛИЯНИЕ ИНТЕГРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ НА АКТИВНОСТЬ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6589696>

### АННОТАЦИЯ

В статье сделан анализ интеграционных процессов в Центральной Азии и их влияния на активизацию социально-политических процессов, показана приоритетное внимание интеграционным процессам со стороны Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева. Научно проанализированы разработка конкретных программ - «дорожных карт» по поиску новых источников и практических механизмов эффективного расширения сотрудничества в сфере безопасности и стабильности, торгово-экономическому, водно-энергетическому, инновационному, инвестиционному транспортно-коммуникационному, банковско-финансовому, культурно-гуманитарному сотрудничеству в Центральной Азии, а также обмен мнениями по актуальным вопросам региональной и международной повестки, совместной позиции стран региона в рамках ООН, СНГ, ШОС и других международных организаций. В работе показаны реализация и результаты межрегионального сотрудничества государств Центральной Азии. С социально-философской позиции показаны экономические, социально-политические и духовные аспекты интеграции и общность целей и интересов государств Центральной Азии.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, интеграция, социально-политические отношения, активизация, межрегиональное сотрудничество, интеграционные процессы в сфере экономической, социально-политической, духовной жизни, общность в Центральной Азии, государства, цели и интересы.

---

## INFLUENCE OF INTEGRATION PROCESSES IN CENTRAL ASIA ON THE ACTIVITY OF SOCIAL AND POLITICAL RELATIONS

### ANNOTATION

The article analyzes the integration processes in Central Asia and their impact on the activation of socio-political processes, shows the priority attention to integration processes on the part of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev. The development of specific programs - "road maps" for the search for new sources and practical mechanisms for the effective expansion of cooperation in the field of security and stability, trade, economic, water and energy, innovation, investment, transport and communication, banking and finance, cultural and humanitarian cooperation in Central Asia, as well as the exchange of views on topical issues of the regional and international agenda, the joint position of the countries of the region within the UN, CIS, SCO and other international organizations are scientifically analyzed. The paper shows the implementation and



results of interregional cooperation of the Central Asian states. From a socio-philosophical position, the economic, socio-political and spiritual aspects of integration and the common goals and interests of the Central Asian states are shown.

**Key words:** Central Asia, integration, socio-political relations, activation, interregional cooperation, integration processes in the field of economic, socio-political, spiritual life, community in Central Asia, states, goals and interests.

Абдумажидова Ҳамида

СамТИ, Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси

(Ўзбекистон, Самарқанд)

rustamovamaxmudova@bk.ru

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ФАОЛЛАШУВИГА ТАЪСИРИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги интеграция жараёнлари ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар фаоллашувига таъсири масалалари таҳлил қилиниб, мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги халқаро алоқаларни кучайтиришда муносиб ўринга эга эканлиги ҳамда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатлараро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ижтимоий фалсафий жиҳатдан очиб берилган. Чунки, Янги Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликни кенгайтириши, янги захира ва амалий механизмларни излаши, савдо-иқтисодий, инновация, инвестиция, транспорт-коммуникация, банк-молия, сув-энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги шерикликни аниқ дастурлар - “йўл хариталари” асосида ишлаб чиқиши, ҳамда энг долзарб халқаро ва минтақавий масалалар бўйича кенг фикр алмашиши, улар бўйича умумий позициясини келишиб олиши ҳамда БМТ, МДХ, ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида илгари суриши жуда долзарб ҳисобланади. Шу боис ушбу тадқиқот ишида Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги минтақалараро ҳамкорликни амалга ошириш жараёни ва унинг натижалари илмий таҳлил этилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон ва Марказий Осиё интеграцияси ва унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий жиҳатлари, мақсад ва манфаатларидаги умумийлик белгилари ижтимоий фалсафий илмий тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, интеграция, ижтимоий-сиёсий муносабатлар, фаоллашув, минтақалараро ҳамкорлик, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт соҳасидаги алмашинув жараёнлари, мақсад ва манфаатларидаги умумийлик, хусусийлик, илм, фан, алоқалар.

### КИРИШ

Биз биламизки, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақалараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласи бугунги кунда жуда долзарб масалалардан бири бўлиб, мамлакатимиз ва Марказий Осиё ҳукуматлари томонидан саноат ва илмий-техникавий, минтақалараро ҳамкорлик, дўстлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, таълим-тарбия ҳужжатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги шартномалар имзоланган. Жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ва минтақада экологик хавфсизликни таъминлаши борасида ҳам Ўзбекистон муҳим ҳамкор бўлиб, ушбу мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар халқларнинг тарихий яқинлиги ва ўзаро сиёсий ва иқтисодий манфаатларига асосланади. Шу боис ҳамкорликни кенгайтиришнинг энг муҳим шarti ва омили умуммиллий кўшма хорижий корхоналарнинг муваффақиятли фаолиятига кенг имкониятлар очиб бериш ҳисобланади.

Бундан ташқари ҳозирда Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги минтақалараро ҳамкорликни амалга оширишнинг бир қатор ижобий жиҳатлари мавжуд.

Масалан, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудий кластер, савдо зоналарини ташкил этиш, юқори технологияли фаолият турларини (машинасозлик, фармацевтика, асбобсозлик, ахборотлаштириш ва алоқа) ривожлантириш ва амалга оширишда туман ва шаҳарларда саноат корхоналарини ҳудудлар кесимида инвестиция ресурсларини жалб қилиш, маҳаллий маҳсулотлар, жумладан, тўқимачилик брендларини шакллантириш, савдо уйлари ва марказларини очиш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларига чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, бизнесни ривожлантириш ва инвестицион жозибадорликни ошириш соҳасида тажриба алмашиш, илғор техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга жалб этиш, маҳаллий қувватлар ва ресурсларга асосланган қўшма лойиҳалар орқали узоқ ва чегара ҳудудларини (қишлоқ) такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Хусусан амалга оширилаётган ушбу интеграция жараёнлари Ўзбекистон ва Марказий Осиёда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафқуравий модернизация жараёнларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан, Ўзбекистон йўловчилар ва юкларни трансчегаравий ташишни янада яхшилаш учун етарли даражада ривожланган транспорт инфратузилмасига эга бўлиб, Марказий Осиё давлатларини бирлаштирувчи ва ташқи бозорларга олиб чиқувчи энг муҳим транспорт йўлакларини барпо этиш ва модернизация қилиш лойиҳаларини амалга оширган ҳамда транспорт логистикаси харажатларини камайтириб, мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотикни йўлга қуйган ва Буюк ипак йўли бўйлаб туризмни ривожлантириш истиқболларини яратган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан аҳоли бандлигини таъминлаш, минтақаларо ҳамкорликни ташкил этиш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш соҳаларида ҳам ижтимоий алоқаларини олиб бормоқда. Бугунги кунда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва экологик вазиятни барқарорлаштириш масаласи Марказий Осиёдаги барча давлатлар олдида турган энг муҳим масалалар бўлиб, бу соҳалар бўйича ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Марказий Осиё минтақасида ягона энергетика тизимининг қайта тикланиши Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонга умумий қувватлардан фойдаланиш ва энергия таъминоти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш имкони берилди. Ягона электр энергия бозори истеъмолчиларга ошқора нархлар белгилаш имконини бериб, аъзо давлатларнинг иқтисодий ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаларидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар доирасида “сувнинг қуйи қисми”даги давлатларда (Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркменистон) сув танқислигини бартараф этиш, “сувнинг юқори қисми”даги мамлакатларни (Қирғизистон ва Тожикистон) эса гидроэлектр станцияларидан электр энергияси билан таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш орқали сув сарфини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, минтақаларо иқтисодий муносабатларни янада кучайтиришда Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари учун ягона иқтисодий бозорни яратишда, жаҳон бозорларида маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишда, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацион жараёнларни жадаллаштириш, ягона илмий ва таълим салоҳиятини ошириб бориш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали юзага келиб, тараққиётга сезиларли ижобий туртки беради.

## **МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР**

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг мақсадлари ва манфаатлари ягона минтақа сифатида намоён бўлиб, Осиёда жойлашган бошқа давлатлар билан халқаро ҳуқуқнинг белгиланган тамойили ва меъёрларига асосланган, тинчликпарвар, дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган фаол ташқи сиёсат олиб борилмоқда. Жумладан Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати мустақилликни мустаҳкамлашга, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашга, мамлакатимизни барқарор иқтисодий ривожланишига ва халқаро майдонда ўз салоҳиятини тўлиқ намоён қилишига хизмат қилиб, Марказий Осиёда хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиёт, сиёсат, савдо-

иктисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий, сув-энергетика, экологик ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш, минтақадаги интеграция ва модернизация жараёнлари билан уйғун равишда амалга оширилмоқда. Чунки, Ўзбекистон ва Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантириш ушбу давлатлар олдида турган асосий масаладир.

Бундан ташқари Марказий Осиё интеграциясига сезиларли таъсир этувчи Ўзбекистон илгари сурган ташаббуслар кўшни давлатлар - Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон томонидан муносиб равишда қўллаб-қувватланиб, айниқса, мамлакатлар раҳбарларининг доимий маслаҳатлашув учрашувларининг ташкил этилиши давлатлар ўртасидаги интеграция жараёнларининг кучайишига ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Минтақавий иқтисодий форум, Марказий Осиё давлатларининг ҳудудлар раҳбарлари (ҳокимлари) ҳамда бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини таъсис этиш, транзит-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, “яхлит хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркациялаш жараёнини тезда ҳамда узил-кесил якунига етказиш бўйича илгари сурган таклифлари интеграциялашув жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари томонидан минтақада сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш муаммосини имкон қадар тезроқ тартибга солиниши, халқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқаларнинг янада яхши йўлга қўйилиши, дўстлик ҳамда яхши кўшничлик муносабатларининг мустаҳкамланиши минтақавий интеграциянинг муҳим жиҳатларидандир. Шу боис бугунги кунда Ўзбекистон дунё ҳамжамияти учун очик минтақага айланиб, Марказий Осиё давлатлари ва жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада юқори босқичга кўтарилмоқда ва халқаро интеграциялашув жараёнлари чуқурлашмоқда. Чунончи, Ўзбекистон ва Марказий Осиё интеграция жараёнлари яқин кўшничлик, дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илм-фан, таълим, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш асосида амалга оширилмоқда.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Биз биламизки, Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида, минтақа ва глобал даражада фаол ташқи сиёсатни йўлга қўйиб, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни олиб бормоқда. Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш соҳасида 2020 йил ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолият бўйича давлат идоралари томонидан 23 та олий даражада ва 12 та юқори даражадаги ташриф ва турли тадбирлар амалга оширилди.

Ушбу жараёнда “халқ дипломатияси” жуда фаол иш олиб бориб, халқ вакиллари - олимлар ва рассомлар, маданият ва дин арбоблари, ишбилармонлар ва ёшлар, туризм ва спорт, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар иштирокида 90дан ортиқ турли учрашувлар, анжуманлар, видеоконференциялар ва шу каби бошқа тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар кўшни давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланиб, Ўзбекистон ва Марказий Осиё сиёсий мулоқотлари ва ўзаро ишонч мустаҳкамланишида, давлат раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувлари йўлга қўйилишида, 2020 йил натижаларига кўра, ушбу давлатлар билан савдо айланмасининг умумий ҳажми 5млрд. долларни ташкил этиб, мамлакатимизнинг умумий ташқи савдо айланмасида Марказий Осиё давлатларининг улуши 2019 йилдаги 12,4% дан, 13,6 % га ошишига муносиб туртки бўлди.

Бундан ташқари Ўзбекистоннинг минтақадаги умумий ташқи савдо айланмасида Қозоғистоннинг улуши 61%, Қирғизистон-18,2%, Туркменистон-10,6% ва Тожикистоннинг улуши 10,2% ни ташкил этган.

Кўриб турибмизки, Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг мана шундай яхшиланиши, минтақанинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга ёрдам бериб, 2017-2020 йиллар оралиғида минтақада 300 дан ортиқ, шунингдек, қарийб 75 млрд. долларга тенг шартнома ва битимлар имзоланган.

Фикримизнинг исботини Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан олиб бораётган очиқ ва конструктив сиёсати нақадар тўғри эканини глобал пандемия даврида минтақа раҳбарларининг ўзаро ёрдам ва коронавирус тарқалиши оқибатларини юмшатиш бўйича амалга оширган кўшма чора-тадбирларида ҳам кўришимиз мумкин. Глобал пандемия хавфига қарамай, Ўзбекистон ва қўшни давлатлар раҳбарларининг доимий мулоқоти таъминланди ва мамлакатлар ўртасида фаол ҳамкорлик алоқалари давом эттирилди. Минтақада коронавирус инфекцияси тарқалишининг дастлабки кунлариданок бир-бирларига ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, Ўзбекистон Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга бир неча бор гуманитар ёрдам юборди. Ва бунга жавобан Қирғизистон ва Тожикистон сингари кўшнилариимиз Сардоба сув омборини тиклаш учун инсонпарварлик ёрдамини кўрсатдилар. Шунингдек, 2020 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон кўмаги билан Қирғизистонда зарур тиббий ва мебел жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган 200 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, пандемия даврида коронавирусга қарши курашда тиббиёт соҳасида ахборот ва тажриба алмашинуви, ўзаро гуманитар ёрдам кўрсатиш, чегараларда юқларнинг узлуксиз ҳаракатланишини йўлга қўйишга эришилиб, минтақада дунёнинг бошқа давлатларига нисбатан коронавирус билан касалланиш ва унинг натижасидаги ўлим сонининг камлигини таъминлаш имкони яратилди. Чунончи, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари АҚШ билан ҳамкорликда минтақада иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қиладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун беш йил ичида камида 1 млрд. долларга тенг маблағларини жалб этиб, “Марказий Осиё инвестициявий шериклиги” ташаббусини йўлга қўйдилар. Жумладан “C5+1” платформаси орқали амалга оширилаётган ушбу ташаббус ушбу минтақа мамлакатлари иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва ўсишини таъминлаш, савдо-сотикни ошириш, комплекс ривожланишни рағбатлантириш ва кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштириш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланишга интилади. Шу боис ҳозирда дунёнинг етакчи мамлакатлари томонидан Ўзбекистон ва қўшни давлатларга нисбатан эътибор ошиб, улар биз билан нафақат икки томонлама ҳамкорлик доирасида, балки ягона минтақавий кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш масаласига ҳам аҳамият қаратмоқдалар. Бу эса минтақамизда халқаро институтлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши Марказий Осиё хусусан Ўзбекистоннинг геосиёсий ва иқтисодий аҳамияти ошиб боришига, халқаро муносабатлардаги яхлит сиёсий-дипломатик субъект сифатида ёндашувнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари Марказий Осиё давлатларининг яхлит сиёсий-дипломатик субъект сифатидаги ўрни ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлиги ва бирдамлиги Қирғизистонда 2020 йил октябрь ойида юз берган норозилик намоишлари ва тартибсизликларга Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон республикалари Президентлари кўшма баёнот билан муносабат билдирганликларида ҳам кузатилди. Кўшма баёнотда қардош Қирғизистонда содир бўлаётган воқеалар жиддий ташвиш туғдираётгани ҳамда уларнинг барча сиёсий партиялари ва жамоатчилик доиралари тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, конституция ва миллий қонунчиликка сўзсиз риоя қилиш билан юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган саъй-ҳаракатларни амалга оширишига умид билдирилгани изоҳланди.

Марказий Осиё жумладан Ўзбекистоннинг барқарорлиги ва ҳамжиҳатлиги, биринчидан, халқ фаровонлигига, иккинчидан, минтақанинг инвестицион жозибadorлигини ошириб, хорижий шерик давлатлар инвесторлари билан ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади. Ўзбекистон ва минтақа давлатлари ўртасида шаклланган ва янада мустаҳкамланиб бораётган янги ижтимоий-сиёсий муҳит Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Фикримиш ишотини Президент Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳамда 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида ва Марказий Осиё давлатлари билан яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратганида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу Давлат дастури режасида:

- Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама ва минтақавий алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича комплекс чоратadbирлар дастурини ишлаб чиқиш;
- олий ва юқори даражада ўзаро ташрифларни ташкил этиш;
- “Халқ дипломатияси” механизмларидан самарали фойдаланиш;
- яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги мавжуд тўсиқларни биргаликда ҳал этиш;
- савдо иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш;
- минтақанинг транзит ва логистика салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш;
- Марказий Осиё мамлакатларининг минтақалари (шу жумладан, чегара ҳудудлари) ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари жорий йилда ШХТда Ўзбекистон Республикасининг 2021-2022 йилларда раислигини инобатга олиб, мазкур йўналишда устувор вазифалар ва асосий тадбирларини ишлаб чиқиш ҳам Давлат дастурида режалаштирилган. Чунончи, ШХТда Россия, Хитой, Покистон ва Ҳиндистон қатори Марказий Осиё давлатларидан Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг аъзо эканлиги, ушбу халқаро ташкилот доирасида ҳамкорликни жадаллаштириш ва интеграция жараёнларини кучайтириш учун катта имкониятлар мавжудлиги масаласига ҳам катта эътибор қаратилган.

Шу боис, Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг қўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очик, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз”, - дейди. Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур [<https://uz.uz/oz/politics/.O'zbekiston-respublikasi-prezidenti-Shavkat-Mirziyoyevning-oliy-25-01-2020>. ELEMENT\_CODE=O'zbekiston-Respublikasi-pr].

Ўзбекистон Президентининг Парламентга Мурожаатномасида ва жорий йилги Давлат дастурида қўшни Марказий Осиё давлатларига алоҳида урғу берилган бўлиб, у мамлакатимиз ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан чегарадош минтақадаги ягона давлатлиги, мамлакатдаги ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги ўзгаришларнинг бевосита минтақага таъсир этиши ҳамда қўшни мамлакатлар барқарор ривожланиши минтақанинг барча давлатлари манфаатларига хизмат қилишида намоён бўлмоқда. Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсати, хусусан, яхши қўшничилик ва прагматик минтақавий сиёсати давлатнинг халқаро нуфузини оширибгина қолмай, Марказий Осиёнинг барқарор ва улкан имкониятларга эга ҳамкорлик маконига айланишига ҳам хизмат қилмоқда.

Кўрииб турибдики, Ўзбекистоннинг чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонда баён қилинган бўлиб, бу йўналишлар - давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, мамлакатимизнинг ён-атрофида ҳавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш; Республикаимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон

хамжамиятига холис ахборот етказиш; Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш [Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, “Адолат”, 2018 йил, 27-28 бетлар.] кабилардан иборатдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасидаги интеграция жараёнларини ўрганишга доир тадқиқотлар жаҳоннинг турли мамлакатларидаги илмий муассасалар, жумладан, The Institute of Central Asia and Caucasus, Central Asia Program at George Washington University (АҚШ); French Institute of International Relations, French Institute for Central Asian Studies (Франция); International Relations and security studies (Германия); China Institutes of Contemporary International Relations, Institute of Central Asia (Хитой); Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Халқаро тадқиқотлар институти ҳузуридаги Марказий Осиё ва Афғонистон муаммоларини ўрганиш институти, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти (Россия); Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти, Қозоғистон менеджмент, иқтисодиёт ва прогнозлаштириш университети қошидаги Марказий Осиёни ўрганиш Маркази (Қозоғистон); Стратегик тадқиқотлар Миллий институти (Қирғизистон); Стратегик тадқиқотлар маркази (Тожикистон) кабиларда олиб борилмоқда. Аммо ушбу тадқиқотлар Марказий Осиё давлатларининг ички ва ташқи сиёсий муносабатлари юзасидан олиб борилган ва уларнинг натижасида бир қатор илмий хулосалар олинган бўлиб, уларда Марказий Осиё мамлакатларидаги сиёсий трансформация, кўптомонлама ҳамкорлик, “Бир макон, бир йўл”, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги стратегияси каби минтақавий ҳамда глобал интеграцион жараёнлар ўрганилган.

Бундан ташқари минтақамиздаги интеграцион жараёнлар Қозоғистон менеджмент, иқтисодиёт ва прогнозлаштириш университети қошидаги Марказий Осиёни ўрганиш маркази, Қирғизистон Стратегик тадқиқотлар Миллий институти; Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази каби ташкилотлар томонидан ҳам ўрганилмоқда.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда бугунги кунда Ўзбекистон ва Марказий Осиёда ташқи ва ички сиёсий омиллар, миллий идентлик, ўзликни англаш муаммолари ва маънавий-тарихий меросни ўрганиш масалалари соҳасида қатор тадқиқотлар олиб борилиб, республикаларнинг сиёсати, устувор йўналишлари, икки ва кўптомонлама муносабатларнинг асосий омиллари, минтақавий алоқаларнинг ютуқ ва муаммолари, ташқи сиёсатга таъсир кўрсатувчи тарихий ва маданий мерос омиллари каби масалаларга ҳам қизиқиш кучаймоқда. Жумладан, Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги интеграция жараёнлари ва у билан боғлиқ муаммолар Э.Абдухамитова, Д.Азимова, С.Акобиров, Р.Асадова, С.Атажанова, Л.Бабаходжаева, Х.Ғуломов, А.Татибаев, П.Қулматов, А.Маврулов, Ш.Мухамедов, Г.Наджимов, Р.Назаров, Э.Нуриддинов, М.Рахимов, Г.Табак, А.Ходжаев, С.Шарапова ва бошқалар томонидан ўрганилган. Хусусан, А.Арыстанбеков, Б.Аяган, Г.Бакиев, Р.Бурнашев, А.Джоробеков, Ж.Ибрашев, К.Байзаков, У.Касенов, С.Кушқумбаев каби олимлар Марказий Осиё мамлакатлари интеграцияси масалалари билан шуғулланганлар ва тараққиётнинг янги босқичида Ўзбекистон ва қушни давлатлардаги ислохотлар жараёни А.Богатуров, А.Казанцев, И.Пономарёва, Е.Сафронова, О.Тихонов, С.Юн ва бошқа олимлар томонидан таҳлил қилиниб, уларнинг илмий тадқиқотларида минтақада хавфсизлик ва барқарорлик, интеграциялашув жараёнлари, геосиёсат, стратегия ва бошқа масалалар таҳлил қилинган.

Шунингдек, баъзи олимлар Ўзбекистон ва Марказий Осиёни дунёнинг истиқболли геостратегик минтақаларидан бири деб ҳисоблашади. Ушбу нуқтаи назар П.Гобл, Л.Адамс, Д.Абрамсон, Р.Алисон, Л.Асечи, А.Бор, К.Коллиус, А.Кулей, В.Кордиер, С.Дугонион, С.Хорак, М.Касер, М.Сантош, М.Лаурель, С.Пейруз, Ж.Линн ва О.Пидуфала, Э.Марат, Н.Мегоран, Ж.Милвард, М.Олкотт, Г.Паркер, Ф.Старр, С.Корнел ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топгандир. Аммо ушбу тадқиқотларда халқаро ҳамкорлик ва

интеграция жараёнларининг кўплаб жиҳатлари глобал ва минтақавий даражада ёритилган ҳамда халқаро муносабатлар ва интеграция жараёнларининг мазмун-моҳияти замонавий тарихий-сиёсий ва иқтисодий воқеликлардан келиб чиққан ҳолда мушоҳада этилган.

Юқоридаги илмий тадқиқотлардан билишимиз мумкинки, Ўзбекистон ташаббуси билан “Марказий Осиё: ягона ўтмиш, умумий келажак, барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўлидаги ҳамкорлик” шиоридаги умумий қарашларнинг шаклланганлиги ва шу асосида минтақада ўзаро алоқаларни барча соҳаларда кенгайтиришга қаратилганлиги, янги ижтимоий-маданий муҳит вужудга келганлиги ҳамда минтақамизда интеграция жараёнлари кучайиб бораётганлиги ўз тасдиғини топган.

Бундан ташқари Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги интеграцияни кучайтиришдаги ўрни Президент Ш.Мирзиёев томонидан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидаги вазифаларда кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги заҳира ва амалий механизмларни излаш, савдо-иқтисодий, инновация, инвестиция, транспорт-коммуникация, банк-молия, сув-энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги шериклик бўйича аниқ дастурлар - “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, ҳамда энг долзарб халқаро ва минтақавий масалалар бўйича кенг фикр алмашиш, улар бўйича умумий позицияни келишиб олиш ҳамда уни кейин БМТ, МДХ, ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида илгари суришдан [Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил, 350 бет] иборатдир.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё халқларининг умумий маънавий-маданий ўзига хослиги мавжуд бўлиб, бу айнан бир давлат тузилмалари доирасидаги умумий тарихни; фольклор, анъаналар ва бошқаларнинг умумийлигини; динни; умумий хавфсизлик масалаларини ўзида ифодалаб келмоқда. Шу боис минтақамизнинг ҳар бир республикасида маънавий уйғониш, ўз тарихи, анъана ва урф-одатларини қайта тиклаш, тарихий ўзига хосликнинг ривожланиши билан боғлиқ янгилашиш жараёнлари содир бўлиб, интеграциялашув жараёнлари билан уйғун равишда амалга оширилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Тошкент, Адолат, 2018 йил.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2017 йил.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улўғ халқнинг иши ҳам улўғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2019 йил.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари. 4-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2020 йил.
6. Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. - Тошкент, Фаң, 2008 йил.
7. [https://uza.uz/oz/politics/.O'zbekiston-respublikasi-prezidenti-Shavkat-Mirziyoyevning-oliy-25-01-2020.ELEMENT\\_CODE=O'zbekiston-Respublikasi-pr](https://uza.uz/oz/politics/.O'zbekiston-respublikasi-prezidenti-Shavkat-Mirziyoyevning-oliy-25-01-2020.ELEMENT_CODE=O'zbekiston-Respublikasi-pr).
8. Mirzaeva M.K. “The impact of the great silk road and eastern scientists on the development of world science”, Electronic Research Journal of Social Sciences and Humanities Vol 2: Issue II ISSN: 2706 - 8242 www. Apr - Jun 2020.
9. <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/653>.

# FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

1 MAHCYB COH

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL  
SPECIAL ISSUE 1

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000